

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

**710 Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги
хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил
26 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2545*

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»-
ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.,
15-сон, 197-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 мартдаги
118-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,
2004 й., 10-сон, 120-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон автомобиль ва
дарё транспорти агентлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тўғри-
сидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Бошлиқ

В. ИСМАИЛОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 23 декабрь,
20-сон

Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлигининг 2013 йил
23 декабрдаги 20-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги
хизмати тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати хавфсизли-
ги тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари
тўплами, 2013 й., 15-сон, 197-модда) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил
10 мартдаги 118-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатла-
ри тўплами, 2004 й., 10-сон, 120-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон
автомобиль ва дарё транспорти агентлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ,
автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматини ташкил этиш
тартибини, шунингдек унинг вазифалари, функциялари ва Ўзбекистон Рес-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

публикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органлари (бундан буён матнда ДЙХХХ органлари деб юритилади) билан ўзаро муносабатларини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

автомобилда ташувчи — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида автотранспорт воситасига эга бўлган, тижорат асосида йўловчи, багаж ва юк ташиш хизматини кўрсатадиган ҳамда бунга махсус рухсатномаси (лицензияси) бўлган юридик шахс;

автотранспорт воситалари — автомобилда ташувчига тегишли бўлган, йўловчи, багаж ва юк ташишга ҳамда махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар;

йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати — автомобилда ташувчининг автотранспорт воситалари орқали ташишларни амалга оширишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилган таркибий бўлинмаси (бундан буён матнда ЙХХ хизмати деб юритилади);

йўл-транспорт ҳодисаси — автотранспорт воситасининг йўлда ҳаракатланиши жараёнида рўй берган, фуқароларнинг ҳалок бўлишига ёки соғлиғига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юкларнинг шикастланишига ёхуд бошқа моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳодиса;

йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши — ДЙХХХ органлари томонидан аниқланган ва маъмурий баённома расмийлаштирилган автотранспорт воситаси ҳайдовчиси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 12-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши, йўл-транспорт ҳодисасига сабаб бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

2. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ, 50 ва ундан зиёд автотранспорт воситаларига эга бўлган автомобилда ташувчиларда ЙХХ хизматлари тузилади (лавозимлар жорий этилади).

3. ЙХХ хизматлари касаба уюшмаси кўмитаси билан келишилган норматив ҳужжатлар асосида фаолият юритади ва ўз мақомига кўра автомобилда ташувчининг асосий хизматларига тенглаштирилади ҳамда унинг раҳбарига бўйсунди.

4. ЙХХ хизматларининг мутахассислари уларнинг хизмат вазифаларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этилиши мумкин эмас.

5. ЙХХ хизмати автомобилда ташувчининг фаолияти тугатилган тақдирдагина тугатилади.

II боб. ЙХХ хизматининг тузилиши

6. Автотранспорт воситаларининг сони 50 тадан кам бўлган автомобилда ташувчиларда ЙХХ хизматининг вазифалари автомобилда ташувчининг раҳбарларидан бирига юклатилади.

7. Автотранспорт воситаларининг сони 50 тадан 150 тагача бўлган автомобилда ташувчиларда ЙХХ хизматининг вазифаларини бажарувчи мутахассис лавозими жорий этилади.

8. Автотранспорт воситаларининг сони 151 тадан ортиқ бўлган автомобилда ташувчиларда қуйидагича штат бирликларидан иборат бўлган ЙХХ хизмати ташкил этилади:

автотранспорт воситаларининг сони 151 тадан 300 тагача бўлган автомобилда ташувчиларда — 2 та ходим;

автотранспорт воситаларининг сони 301 тадан 500 тагача бўлган автомобилда ташувчиларда — 3 та ходим;

автотранспорт воситаларининг сони 501 тадан 750 тагача бўлган автомобилда ташувчиларда — 4 та ходим.

9. Автотранспорт воситаларининг сони 750 тадан ортиқ бўлган автомобилда ташувчиларнинг ЙХХ хизматида ҳар 250 та автотранспорт воситалари учун қўшимча равишда яна 1 та ходим лавозими жорий этилади.

10. Автотранспорт воситаларининг сони 500 тадан ортиқ бўлган автомобилда ташувчиларда йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича раҳбар ўринбосари лавозими жорий этилади.

11. ЙХХ хизматида мазкур Низомга асосан белгиланган ходимлар сони доирасида хизмат (бўлим) бошлиғи, катта муҳандис, муҳандис лавозимлари жорий этилади. ЙХХ хизмати ходимларининг вазифалари мазкур Низом, ходимларнинг лавозим йўриқномалари ва автомобилда ташувчининг бошқа локал норматив ҳужжатлари билан белгиланади.

12. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 21-моддасига асосан, ЙХХ хизматлари ходимлари Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан тасдиқланган махсус дастурлар бўйича вақти-вақти билан, уч йилда камида бир марта ўз малакасини ошириб, малака имтихони топшириши керак.

III боб. ЙХХ хизматининг асосий вазифалари ва функциялари

13. ЙХХ хизмати қуйидаги асосий вазифаларни бажаради:
автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг ишини йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминловчи талабларга мувофиқ ташкил этади;
автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат қилиш ва дам олиш тартибига риоя этилишини таъминлайди;
автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш учун зарур шароитлар яратади;

йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи техник носозликлар мавжуд бўлганда, транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўймайди;

автотранспорт воситалари иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишларининг сабабларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни кўради;

автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг тиббий кўрикларини, уларнинг йўл-транспорт ҳодисаларида жабрланганларга бирламчи шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кўникмаларини такомиллаштиришга доир тадбирларни ташкил этади ва ўтказиши;

автомобилда ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди;

автотранспорт воситаларининг бут сақланишини таъминлайди.

14. ЙХХ хизмати ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига ҳайдовчилик гувоҳномасига мувофиқ бошқариш ҳуқуқи берилган автотранспорт воситаларини бошқариш учун рухсат берилишини назорат қилади;

автомобилда ташувчининг барча ходимлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини назорат қилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширади, хизмат текширувларини ўтказишда иштирок этади;

катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ихтисослаштирилган автотранспорт воситаларида ташишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя қилинишини назорат қилади;

ташишларни амалга оширишда автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнат қилиш ва дам олиш тартибига риоя қилинишини назорат қилади;

автотранспорт воситалари ҳайдовчиларига йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича: ишга қабул қилишда (дастлабки), рейс олдидан (рейс олди), махсус, мавсумий ва қўшимча (навбатдан ташқари) йўл-йўриқлар кўрсатилишини таъминлайди;

автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг малакасини ошириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги хонасини ташкил қилади ва унинг фаолиятига услубий раҳбарлик қилади;

автотранспорт воситаларининг йўналишга чиқиш олдидан техник жиҳатдан созлиги ва кўриниши талаб даражасида бўлишини назорат қилади;

йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи шароитлар аниқланганда автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишини тақиқлайди;

йўл-транспорт ҳодисалари ва йўл ҳаракати қоидалари бузилишларини бартараф этиш бўйича чораклик дастурларни ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун автомобилда ташувчининг раҳбарига тақдим этади;

ДЙХХХ органларидан олинган маълумотлар асосида автомобилда ташувчининг ходимларига юз берган йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатлари ҳақида мунтазам равишда маълумот бериб боради ва уларнинг юзага келиш сабаблари ҳақида тушунтиришлар беради;

мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги Автомобилда ташувчи томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича тадбирларни ҳисобга олиш китобини, 2-иловасига мувофиқ шаклдаги Йўл-транспорт ҳодисаларини ва улар ҳақидаги маълумотларни қайд этиш китобини, 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Автотранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракати қоидалари бузилишини ҳисобга олиш китобини ҳамда 4-иловасига мувофиқ шаклдаги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг кўрсатмаларини қайд қилиш китобини юритади;

автотранспорт воситалари ҳайдовчиларининг мажбурий равишда дастлабки ва даврий тиббий кўрикдан, шу жумладан рейс олдидан тиббий кўрикдан ўтишларини таъминлайди;

автотранспорт воситалари иштирокидаги суғурта ходисаларини текширишда иштирок этади;

иш вақти тугагандан сўнг автотранспорт воситаларининг сақлаш жойига ўз вақтида қайтиши ва қабул қилиб олинишини назорат қилади.

IV боб. ЙХХ хизматининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

15. ЙХХ хизмати ўз зиммасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари бўйича бошқа ташкилотлар билан муносабатларда автомобилда ташувчининг вакили бўлиш;

автомобилда ташувчининг бошқа таркибий бўлинмаларидан ўз ваколатига доир маълумотларни талаб қилиб олиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича автомобилда ташувчининг барча таркибий бўлинмалари учун мажбурий бўлган ва фақат автомобилда ташувчининг биринчи раҳбари томонидан бекор қилиниши мумкин бўлган кўрсатмалар бериш;

ташишларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини назорат қилиш, аниқланган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф этилиши учун зарур чораларни кўриш;

йўл ҳаракати хавфсизлигига хавф туғдирувчи жиддий камчиликлар аниқланганда автотранспорт воситалари ҳаракатланишини тақиқлаш;

аҳволи ёки ҳаракатлари йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишдан четлатиш, уларга нисбатан тегишли чораларни қўллаш юзасидан автомобилда ташувчининг раҳбариятига таклиф киритиш;

намунали автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини меҳнат учун рабатлантириш юзасидан автомобилда ташувчининг раҳбариятига таклиф киритиш.

16. Автотранспорт воситаларининг сони 50 тадан ортиқ бўлган автомобилда ташувчиларда йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган жойга етиб бориш, йўналишдаги автотранспорт воситалари ишини мониторинг қилиш, автомобиль йўллари аҳолини текшириш, автоколонналарни кузатиб бориш учун ЙХХ хизмати махсус енгил автомобиль билан таъминланади. Ушбу автомобиль иштирокида амалга оширилган тадбирлар мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ шаклда Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига бириктирилган автомобиль иштирокида амалга оширилган тадбирларни қайд этиш китобига киритиб борилиши зарур.

17. ЙХХ хизмати:

ўз ҳаракатлари билан йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузмаслиги;

автомобилда ташувчининг бошқа хизматчилари ва автотранспорт воситалари ҳайдовчилари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши ҳолатларига бефарқ бўлмаслиги;

автомобилда ташувчининг раҳбари ҳамда ваколатли давлат органларининг қонуний кўрсатмалари ва талабларини бажариши шарт.

V боб. ЙХХ хизматининг ДЙХХХ органлари билан ўзаро ҳамкорлиги

18. ЙХХ хизмати ДЙХХХ органларининг сўровига мувофиқ автотранспорт воситалари ва автотранспорт воситалари ҳайдовчилари тўғрисидаги ҳамда автотранспорт воситалари иштирокида юз берган йўл-транспорт ҳодисалари натижасида етказилган зарарни аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этади.

19. ДЙХХХ органлари ЙХХ хизматининг сўровига мувофиқ автотранспорт воситалари иштирокида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари ва йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этади.

Зарур ҳолларда, ЙХХ хизмати ва ДЙХХХ органлари автотранспорт воситалари колонналарини кузатиб бориш ишларини ҳамкорликда амалга оширади.

VI боб. Яқуний қоидалар

20. Автомобилда ташувчиларнинг раҳбарлари мазкур Низомга мувофиқ ЙХХ хизматининг ташкил этилиши учун жавобгардир.

21. ЙХХ хизмати ходимлари мазкур Низомга мувофиқ ЙХХ хизматининг зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ амалга оширилиши учун жавобгардир.

22. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан келишилган.

Ички ишлар вазири

А. АХМЕДБАЕВ

2013 йил 23 декабрь

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири

А. ХАЙТОВ

2013 йил 23 декабрь

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси

Т. НАРБАЕВА

2013 йил 23 декабрь

Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати
хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

52 (604)-сон

**Автомобилда ташувчи томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги
бўйича тадбирларни ҳисобга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Тадбирнинг номи	Тадбирни ўтказиш санаси	Иштирокчилар	Тадбирни ўтказган шахс	Тадбирни ўтказган шахснинг имзоси
	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>

— 165 —

710-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2013 й.

Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати
хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

710-модда

**Йўл-транспорт ҳодисаларини ва улар ҳақидаги
маълумотларни қайд этиш
КИТОБИ**

Т/р	ЙТХ ҳақида тушган хабар (йил, ой, кун, соат)	ЙТХ ҳақида хабар берган шахслар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар	ЙТХ содир бўлган шаҳар, туман ва автомобиль йўли ва кўчанинг номи ва км	ЙТХнинг қисқача баёни (вақти), дастлабки сабаби ва тури	ЙТХ оқибатида тан жароҳати олган ва вафот этган шахслар тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (Ф.И.О., ёши, жинси ва ҳоказолар)	ЙТХда иштирок этган транспорт воситалари тўғрисидаги тўлиқ маълумотлар (русуми, давлат рақами белгиси, тегишлилиги ва ҳоказолар)	ЙТХ тўғрисида берилган хабарни қабул қилиб олган ички ишлар органи номи, навбатчиси (Ф.И.О., лавозими, унвони) тўғрисида маълумот	Шикастланган ҳолда қайтган транспорт воситалари ҳақида ҳудудий ички ишлар органига хабар берилган вақт ва хабарни ички ишлар органида қабул қилиб олган навбатчи (Ф.И.О., лавозими, унвони)
	1	2	3	4	5	6	7	8

Изоҳ: китоб рақамланган, ип ўтказиб тикилган, муҳрланган бўлиши, охириги ёзув ёзилган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида сақланиши шарт.

— 166 —

52 (604)-сон

Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати
хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

710-модда

**Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг
кўрсатмаларини қайд қилиш
КИТОБИ**

Т/р	Текширув ўтказилган сана	Аниқланган камчилик ва қоида бузишлар	Бартараф этиш муддати	Тавсия ва таклифлар	Текширилаётган ва текшираётган шахсларнинг имзоси	Бажарилганлиги тўғрисидаги белги, сана, имзо
	<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>	<i>5</i>	<i>6</i>

— 168 —

52 (604)-сон

Автомобилда ташувчининг йўл ҳаракати
хавфсизлиги хизмати тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

52 (604)-сон

**Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига бириктирилган автомобиль иштирокида
амалга оширилган тадбирларни қайд этиш
КИТОБИ**

_____ (автомобилда ташувчининг номи)

Автомобиль маркаси _____
Давлат рақами _____

— 169 —

Т/р	Йўл варақаси рақами	Йўналишга чиқиш ва қайтиш санаси, вақти	Ҳайдовчининг Ф.И.О.	Тадбир ўтказишга чиқаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми ва лавозими	Тадбир номи	Ўтказилган тадбирнинг натижаси	Тадбирни ўтказган шахснинг имзоси	Изоҳ
	1	2	3	4	5	6	7	8

710-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2013 й.